Ушбу сонда:

2 Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда? НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАН...

3 Касаба уюшма сиҳатгоҳларида ЯНГИ ДАВОЛАШ ТАШҲИС МАРКАЗИ

4 Футбол ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ КАТТА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 апрел, сешанба №58 (1072)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Истиқлол берган имкон

Яқинда Польша Республикасидан Андижон вилоятига ташриф буюрган тадбиркорлар Асака туманидаги «ЖУС» хусусий чорвачилик фермасини бориб кўришди. Бу ерда ишнинг ривожланиш суръати, саранжом-саришталик, ферманинг келажак истиқболини кўрган меҳмонларнинг бир гуруҳи ўзаро ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Ферма мудири, тадбиркор Жалолиддин Ҳолиқназаров бу таклифни маъқуллади.

ХУСУСИЙ ФЕРМА

Польша тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилади

Таъкидлаш жоиз, бир неча йил муқаддам мазкур ферма тумандаги энг қолоқ жамоалардан ҳисобланарди.

...Жалолиддин тадбиркорликни мустақиллигимизнинг дастлабки йилидан бошлаган. Тиришқоқ йигит маслакдошлари билан тижорат-савдо ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЖУС» фирмасига асос солди. Олдиндан айтиб қўйиш керак: ҳозир мавжуд фирма вилоятдаги иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналардан бирига айланган.

Тумандаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси бир вақтлар бошқа бир шахс томонидан хусусийлаштирилган, лекин ўқувсизлик оқибатида у заифлашиб, чўкиб қолганди. Унинг қаддини ростлаш вазифаси кўндаланг турарди. Жалолиддиннинг чорвачиликка бўлган иштиёқидан хабардор мутасадди раҳбарлар унга мазкур ферма сотиб олишни таклиф қилганларида ўйланиб ўтирмай, енг шимариб иш бошлади.

Жамоанинг 23 нафар аъзоси ишни тубдан яхшилашга ихлос билан киришди. Энг аввало асосий эътибор чорва бош сонини наслдор моллар ҳисобига тўлдиришга қаратилди. Шу мақсадда республикамизнинг турли ҳудудларидан 120 бош зотдор сигир сотиб олинди. Умумий қорамоллар сони 297 тага етказилди.

Тадбиркорлар изланишни давом эттириб, чорвачиликда тўпланган илғор усуллардан самарали фойдалана бошладилар. Ёш, иқтидорли мутахассис, Баҳодир Фозилов, ветеринария врачи Абдулбоқи Расулов ва бош зоотехник Абдуманноп Раҳимовларнинг жонбозлиги туфайли маҳсулдорлик тез суръатда орта бошлади.

Ҳозирги кунда хусусий ферма давлатга ҳар куни 500 килограмм юқори сифатли сут топшираётир. Жами йилига 150 тонна сут, 50 тонна гўшт топшириш режалаштирилган. Ходимлар бир йилда ердан икки марта ҳосил олишга эришаётирлар. Аввал дон етиштириб, ўрнига силос учун маккажўхори экишяпти. Фермага яқинда 300 бош ҳисори қўйлар ҳам келтирилди.

Хусусий фермани ҳар томонлама намунали қилиш учун ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти. Яқинда Германияда ишлаб чиқарилган комбайн сотиб олинди. Универсал машина озуқа экинларини ўриб, сифатли емиш тайёрлашда қўл келмоқда. Жамоа мутахассисларидан уч киши илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида Голландияга сафарга отланишмоқда. Тадбиркорлар келажакда маҳсулотни ўзлари қайта ишлаб, харидоргир неъматлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштиришган. Жалолиддиннинг таъкидлашича, баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, белгиланган лимит ҳисобидан кунжара ҳамда шелуха ажратишда айрим қийинчиликларга дуч келинмоқда. Баъзи мутасаддилар «Ферма хусусий, энди аравангни ўзинг тортавер» қабилида иш юритишаётгани бунга сабабчи бўлаяпти. Тадбиркор белгиланган озуқани вақтида ололмай, бозорга кўз тикиб қолса, таннарх кўтарилиб кетади. Зеро, бу кўпгина омилкор кишиларни ўйлантираётган долзарб масаладир.

М.АБДУКАРИМОВ, Қ.СОБИРОВ, «Ишонч» мухбирлари.

Қадимий Хоразмда пири бадавлат инсонлар жуда кўп. Оқилжон момо Худойберганова уларнинг бири. Бир асрдан ортиқ умр кечираётган бу бахтиёр инсонга ҳавасингиз келади. Яқинда момонинг ҳовлиси қариндош-уруғлари, невара, чевараларига тўлди. Улар аяни қутлуғ 110 ёш билан табриклашди.

Истиқлолнинг ўн йиллигини у яхши кайфият билан кутиб олиш ниятида дуолар қилмоқда. 100 нафарга яқин невара ва чеваралари онахон қувончига қувонч қўшмоқда.

Суратда: Оқилжон момо Худойберганова фарзандлари, невараю, эваралари даврасида.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Жамиятни янгилаш, иқтисодий тараққиётни янада юқори поғонага кўтариш учун аввало одамларнинг фикрлаш тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, билимларини бойитиш, тафаккур кудратини ошириш керак. Бунга эса мақсадли таълим-тарбия орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам республикамизда таълим масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИ

у ўз вазифасини аъло даражада бажаришининг муҳим омилидир

Вилоятимизда ҳам халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонун талаби ҳамда Президентимизнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида белгиланган вазифалар асосида махсус тадбирлар, шунингдек, 1998-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол режаси ишлаб чиқилди. Ҳозирга қадар унинг асосий қисми амалга оширилишига эришилди.

Таълимдаги ислоҳотларнинг самараси ўлароқ вилоятдаги деярли барча мактабларнинг ўқув-моддий базаси яхшиланди. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар қўлланилмоқда. Компьютер синфлари, мониторинг хоналари ташкил қилиниши таълим сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Республикада биринчилар қаторида рейтинг тизими Жомбой тумани ва Каттақўрғон шаҳри мактабларида қўллаб кўрилди. Шунингдек, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш бўйича Сиёб туманидаги 22, 65-мактаблар республика миқёсида тажриба-синов майдони этиб белгиланди. Шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари қошидаги ўқувчиларни касбга йўналтириш ва педагогик-психологик ташҳис марказлари саъй-ҳаракати туфайли 1-синфга ўқувчиларнинг тест синови орқали қабул қилиниши ҳам таълимнинг, айниқса бошланғич таълимнинг сифатини кўтарди. 2000 йилда 9-синфни битирган ўқувчиларнинг 2221 нафари коллеж ва академик лицейларда, 1348 нафари касб-ҳунар билим юртларида ўқишни давом эттираётгани, 11-синф битирувчиларининг 20 фоизи олий ўқув юртларига, 25 фоизи ўрта махсус билим юртларига киргани таълимдаги туб ўзгаришлар натижаси, десак бўлади.

Мактабларнинг ўқув-моддий базасини яхшилаш борасидаги мавжуд муаммолар ҳукуматимизнинг, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ҳомийларнинг ёрдами туфайли босқичма-босқич ҳал этиб борилаяпти. Айтайлик, ўтган вақт мобайнида вилоятда 50 дан зиёд янги мактаб қурилди, 252 та мактаб биноси тўлиқ таъмирланди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига вилоятда 10 та янги мактаб қурилиши мўлжалланган. Бу мактаблар Оқдарё, Пастдарғом, Ургут, Пахтачи, Жомбой, Тойлоқ, Пайариқ, Булунғур, Қўшрабод, Нарпай туманларида қад кўтаради.

Яна бир гапни мамнуният билан айтиш керак. Фақат мустақиллигимиз шарофати туфайлигина таълим соҳасида ҳам чет эллар билан ҳамкорлик қилиш имконияти туғилди. Масалан, тил ўргатиш марказларида Буюк Британия ва Америка таълим усули қўлланилиши учун бирмунча қулайликлар яратилди. АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорлик туфайли ҳозиргача 37 нафар ўқувчимиз Америка мактабларида бир йилдан сабоқ олиб қайтди. Франция элчихонасининг ёрдами билан бир гуруҳ француз тили ўқитувчилари Париж, Руаян, Више, Манполье шаҳарларида, Германиянинг Гёте институти ёрдамида 2 нафар немис тили ўқитувчиси Кёльн шаҳрида малака оширишди. Бундан ташқари, АКСЕЛСнинг «Ўқитувчилар аълочилик дастури» доирасидаги танлов ғолиби бўлган 15 нафар ўқитувчилар ишлайдиган мактабларнинг ҳар бирига халқаро ташкилот томонидан 2 минг АҚШ долларилик грантлар, яъни компьютер, факсемел аппарат, ксерокслар берилди. Ҳозир таълим соҳасида Британия кенгаши, Франция элчихонаси, Германиянинг Гёте институти, АҚШ элчихонасининг таълим ва маданият бўлими, СОРОС жамғармасининг «Очиқ институти», АКСЕЛС, «Тинчлик корпуси» каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Конституция - бахтимиз пойдевори» мавзуида Республика плакат ва фотосуратлар кўргазма-танлови очилди. Уни Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Бадиий Академия билан ҳамкорликда ташкил этди.

Кўргазмани университет ректори, академик Т.Долимов очар экан, Бош қонунимизнинг Ватан ва халқ тақдирида, ҳаётимиз равнақида аҳамияти тобора ортиб бораётгани, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, тинч ва осуда турмушимиз замирида унинг ҳаётбахш ғоялари мужассам эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Ориповнинг фикрича эса мазкур кўргазма Конституцияда белгиланган қонуний ва ҳуқуқий асослар ҳамда уларнинг мазмунмоҳиятини плакат ва фотосуратлар орқали аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдиришда жуда муҳим аҳамиятга молик таъсирчан восита.

Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган мазкур кўргазмада таниқли мусаввирларнинг асарлари билан бир қаторда, олий ўқув юртлари талабалари, коллеж, лицей, мактаб ўқувчилари ҳамда мактабгача тарбия муассасалар тарбияланувчиларининг ҳаваскорлик ишлари ҳам намойиш этилмоқда.

Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ШАҲРИСАБЗ - ЖАҲОН МЕРОСИ РЎЙХАТИДА

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура имзоси билан юртимизга мактуб келди.

«Жаҳон мероси қўмитаси, дейилади мактубда, Шаҳрисабзнинг тарихий марказини Жаҳон мероси рўйхатига киритди. Ушбу рўйхатга киритилиши билан маданий ёки табиий ёдгорликларнинг бебаҳолиги ва умуминсоний мулк эканлиги эътироф этилади. У бутун инсоният манфаати учун муҳофаза қилиниши лозим».

ЮНЕСКО айни вақтда 691та ана шундай ноёб маданий ва табиий ёдгорликни ўз муҳофазасига олган. Қувончлиси шундаки, бундан буён соҳибқирон Амир Темурнинг севимли шаҳри Шаҳрисабз ҳам фаранглларнинг Нотр-Дам ибодатхонаси, Версал саройи, Италиядаги Венеция ва Флоренция шаҳарлари, Миср эҳромлари, Тожмаҳал мақбараси, АҚШдаги Озодлик ҳайкали, Индонезиядаги Боробудур қасри каби жаҳоннинг машҳур тарихий обидалари билан бир қаторда туради.

«Туркистон-пресс».

OLAMDA

ТИРАНА. Албаниядаги ҳукмрон Демократик альянс партияси раҳбари Арбен Имомий Косово ҳамда Албания сиёсий-иқтисодий бирлашув масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйганини маълум қилди. У яқин ўртада Албания ва Косово тинч йўл билан бирлашишига умид билдирди.

***

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлисида Косово ўлкасида Россия аскарининг ўлдирилгани муҳокама қилинди. Мажлисда Россия делегацияси аъзолари кенгашдан ушбу жиноят юзасидан жиддий тергов олиб боришни талаб қилди ва жиноятчиларни қўлга олишда ёрдам кўрсатишга чақирди.

Анжуман сўнггида кенгаш вакиллари ушбу муаммо юзасидан махсус комиссия тузилажагини маълум қилди.

***

АФИНА. Шарқий Европа ҳудудида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш учун Европа Иттифоқи, АҚШ ҳамда НАТО ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши керак. Греция ташқи ишлар вазири Георгиос Папандреу Руминия, Туркия, Югославия ҳамда Албания ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашувида шу ҳақда таъкидлаб ўтди. Мазкур учрашувда мавжуд муаммоларни тинч йўл билан ечиш масалалари муҳокама қилинди.

***

ОТТАВА. Канаданинг Янги Шотландия вилоятидаги темир йўлда ҳалокат рўй берди. Хабарларга қараганда, «Виа Райл» компаниясига қарашли йўловчи поезд издан чиқиб кетиб, йўл четидаги бинога урилган. Натижада йигирма икки киши оғир жароҳатланган.

***

ГАВАНА. Хитой раҳбари Цзян Цзэмин расмий ташриф билан Кубага келди. У Куба раҳбари Фидел Кастро томонидан қизғин кутиб олинди.

Ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий ҳамкорликка оид қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

***

КАРАКАС. Жаҳон бозорида нефт баҳосини барқарорлаштириш учун бор имкониятдан фойдаланиш зарур, деди Венесуэланинг энергетика вазири Алваро Силва. Унинг фикрича, ОПЕКнинг шу мақсадда экспортни маълум миқдорда қисқартириш ҳақидаги қарори кутилган натижани бермайди. Кувайт ушбу масала юзасидан Венесуэлани қўллаб-қувватлаяпти.

***

ОТТАВА. 20 апрел куни Канаданинг Квебек шаҳрида Америка қитъасининг ўттиз тўрт давлати раҳбарлари иштирокида олий даражадаги учрашув ўтказилиши кўзда тутилган. «Оттава ситизен» газетасининг маълум қилишича, саммитда Мексика раҳбарияти Америка қитъасидаги мамлакатларда қашшоқликка қарши курашиш учун махсус жамғарма тузиш фикрини ўртага ташлаши кутилмоқда. Шунингдек, саммитда эркин савдо зонаси яратиш масаласи ҳам муҳокама қилинади.

***

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазирининг ўринбосари Жон Прескотт АҚШнинг нима сабабдан Киото протоколига қўшилмаётганини ўрганиш мақсадида Вашингтонга йўл олди. У кетиш олдидан журналистларга интервью бериб, иқлим ўзгариши муаммосини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжат ижросини ҳамма давлат бирдек бажариши лозимлигини айтди. Айниқса, АҚШ бунда жонбозлик кўрсатиши зарур. Чунки у атмосферага энг кўп иссиқлик гази чиқаради, деди Ж.Прескотт.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЎҚИТУВЧИНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИ

у ўз вазифасини аъло даражада бажаришининг муҳим омилидир

(Боши 1-бетда)

Шу туфайли вилоят тил марказига «Тинчлик корпуси» сунъий йўлдош антеннаси, АКСЕЛС ташкилоти 2000 долларлик техникавий воситалар ҳадя этди. Натижада дарсларни инглиз тилида ўтиш имкони яратилди. Шунингдек, Темирйўл туманидаги 43-ўрта мактабни ЮНЕСКО ўз тасарруфига олган. Бу эса таълимнинг янги уфқ-лари очилаётганидан далолатдир.

Фикримча, XXI аср ўқитувчиси илгаригидек дарс вақтида ҳукмрон эмас, балки таълим жараёнини бошқарувчи шахс бўлиши керак. Оддийроқ қилиб айтганда, ўқувчининг мустақил шуғулланишига шароит яратиб бериши, уни аниқ мақсадга йўналтириши керак. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи ҳозирги замон таълимининг моҳиятини англаши, келажакни кўра билиши керак. Ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш масаласида имконият катта. Чунки Самарқандда кўплаб олий ўқув юртлари, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш инс-титути бор. Малака ошириш институти ходимлари томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»-нинг биринчи босқич вазифаларини бажариш бўйича муайян ишлар қилинди. Айни шу масалалада институтнинг 5 нафар ўқитувчиси республика семинарида маъруза қилишди. Институт томонидан таълим муассасаларига янги педагогик технологиялар тавсия этилмоқда. Бу борада услубият, физика, информатика, табиий фанлар бўйича қилинган ишлар ўз самарасини бермоқда. Тойлоқ, Жомбой, Самарқанд туманларида ҳар ойда бир марта «Мактаблар куни» белгилаб қўйилгани кўпгина муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бермоқда. Яқиндагина вилоят ҳокими махсус қарор билан ҳар ойнинг охирги шанбасини вилоятда «Таълим ва тиббиёт куни» деб эълон қилди. Афсуски, ҳамма жойда ҳам мактабга эътибор кутилганидай эмас. Бир қатор мезонлар бўйича замон талабидан ортда қолаётган, ҳатто жуда ночор мактабларимиз бор. Бу ҳақиқатни тан олишнинг ўзиёқ масала ечими сари қўйилган илк қадамдир. Мактабнинг бугунги обрўси ва даражаси юртимизнинг келажагини, Ўзбекистоннинг келажакдаги мавқеини белгилайди.

Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг алоҳида ўрни борлигини унутмаслик керак, албатта. Аслида мактабдаги таълим ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Булар ўзаро боғлиқдир. Ҳозир вилоятимизда 42 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 43 та мактабдан ташқари тарбия муассасалари ишлаб турибди. Улардаги тўгарак машғулотларига жами ўқувчиларнинг 60-70 фоизи жалб этилган. Дарсдан кейинги тарбиявий тадбирлар болалар маънавиятини бойитиш билан бирга уларда ватанпарварлик туйғуларини шакл-лантиришда самарали восита бўлаяпти. «Президент асарларининг билимдони», «Ижодкор ўқувчи», «Амир Темур авлодлари», «Миллий қадриятлар ва маънавий гўзаллик», «Сиз қонунни биласизми?» каби турли кўрик-танловлардаги ўқувчиларнинг фаол иштироки тарбиявий тадбирлардан кўзланган мақсадга эришилаётганини билдиради. Айниқса, ўқувчиларимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларидан фахрлансак арзийди. Масалан, волейбол бўйича Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Пайариқ тумани, самбо бўйича Тойлоқ тумани, бухороча кураш бўйича Ургут тумани ўқувчилар республика спартакиадасида юқори ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, 8-ўрта мактаб ўқувчиси Иброҳим Ҳамроқулов «Универсиада-2000» мусобақасида муваффақиятли қатнашди. Вилоят ХТБ қошидаги шахмат-шашка мактаби директори Маркаэл Фозилов, ўқувчи Ирода Ҳамроқулова жаҳон чемпиони бўлишди.

Ҳар қандай даврда ҳам иқтидорли, яхши хулқли ўқувчилар бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилган ва уларга кўмак берилган. Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўли уларга пухта билим бериш ҳисобланади. Шунинг учун ҳозир вилоятда 18 та ихтисослашган мактаб ишлаб турибди. Уларда физика, математика, иқтисодиёт, чет тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилмоқда. Энг иқтидорли болаларни чет элларда ўқитиш имкониятларини топиб, уларга маънавий ва моддий ёрдам берилаётир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланаётган йилда биз қилинган ишларни шунчаки қайд этмоқчи эмасмиз. Балки, шу йиллар мобайнида «Биз Ватан мустақиллигига қандай ҳисса қўшдик?» деган саволга очиқ-ошкора, керак бўлса, ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан жавоб бермоқчимиз. Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Оддийгина қилиб айтганда, келажагимизни таъминлайдиган ёшлар камолоти учун давлатимиз ҳеч нарсани аямаяпти. Шу билан бирга халқ таълими ходимлари ҳам боқимандалик кайфиятидан халос бўлишга интилишмоқда. Яъни, бугунги кунда жуда кўп мактаблар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаяпти. Ишбилармон инсонлар раҳбарлик қилаётган мактабларда ўқувчилар ишлаб чиқариши, ёрдамчи хўжалик иши тўғри йўлга қўйилган. Шу орқали ишлаб топилган маблағ мактабнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашга, ўқув жиҳозлари ва дарсликлар сотиб олишга, кам таъминланган ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Айни шу масалада касаба уюшмаларининг таклифлари ва ҳамкорлиги мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Самарқанд шаҳридаги 21, 65-мактаблар, Оқдарё туманидаги 2, 38, 7, 8-мактаблар, Тойлоқ туманидаги 4, 47-мактаблар, Пайариқ туманидаги 3, 6, 8-мактаблар жамоаларининг бу борадаги иш тажрибасини оммалаштириш вақти етди.

Ўқитувчининг моддий манфаатдорлиги даражаси унинг дарсга муносабатини белгилайди. Биз касаба уюшма ташкилотлари ёрдамида ўқитувчиларнинг аҳволини, фикрларини ўргандик. Шу асосдаги таклифларимизни ҳокимликлар маъқуллаб, қишлоқ мактабларига ер майдонлари ажратиб берилди. Бундан олинган даромад ўқитувчиларнинг манфаатдорлигини оширишга, моддий ёрдам беришга сарфланаяпти. Шунга қарамай, олдимизда ҳали жуда катта вазифалар турибди. Уларни бажариш бўйича махсус тадбирлар асосида иш олиб борилаяпти. Ўйлайманки, самарқандлик таълим тизими ходимлари ёш авлодда мустақиллик мафкурасини шакллантириш, уларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш вазифасининг уддасидан чиқадилар.

А.БЕКМУРОДОВ,
Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Шаҳрихон туманидаги Назармаҳрам матлубот-савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 46 та савдо дўкони қишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур жамият фаолиятидан барча мамнун. Чунки ҳар бир савдо дўконида аҳоли эҳтиёжи учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда турли товарлар ҳамиша мавжуд.

Жамият қошида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган қандолатлар ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси 30 хилдан ортиқ маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.





ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Эндиликда хатирчиликлар ёнилғи олиш учун ортиқча 120 километр йўл босиб Навоий шаҳрига овора бўлиб юришмайди. Оқтош шаҳрида «Навоий нефт-маҳсулот» корхонасига қарашли Хатирчи нефт базаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда қарийб 5 гектарлик майдонни эгаллаган нефт маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган йирик омборхона қурилди. Энг муҳими «таъминотчи» билан «истеъмолчи» ўртасидаги масофа икки баравар қисқарди. Йилига 80-85 миллион сўмлик маблағ тежаладиган бўлди. Яна бир жиҳати, 40 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

(ЎзА).

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ЙЎЛЛАНМА

Хоразм вилоятида фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаларда Урганч шаҳридаги 6-лицей интернат ўқувчилари ўзига хос рекорд ўрнатди. Беллашувларда мазкур билим муассасаси терма жамоаси энг юқори натижаларга эришди. Лицейнинг 36 нафар ўқувчиси вилоят олимпиадасида 24 та совринли ўринни эгаллади ва кўпчилиги ғолиб бўлди.

Иштирокчилар орасида 11-синф ўқувчиси Жасур Мусаев кўпгина тенгдошларига ибрат бўлди. У Тошкентда ўтказилган инглиз тили бўйича республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бир фарзандга етти қўшни ота-она

Олмазор кўчасида истиқомат қилувчи Ш.Н.нинг оёқ олиши кейинги пайтларда бошқача бўлиб қолди. Тўй-маърака, ҳашарларга олдингидек аралашавермас, кўпдан ўзини четга оларди. Иш жойининг ҳам тайини йўқ эди. Участка нозири, милиция кичик лейтенанти Дилшодбек Абдуқодиров тунги айланишларнинг бирида унинг нима сабабдан ўзгарганлигини тушунди. Боиси, Ш.Н. динни ниқоб қилиб олган нияти бузуқ кимсалар таъсирига берилган эди.

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Бир фарзандга етти қўшни ота-она, дейдилар. Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари йигит тақдирига бефарқ бўлмадилар. Йиғин раиси Бурхониддин Аҳмаджонов, участка нозири Д.Абдуқодиров, фаоллардан К.Ўринбоев маҳалладошлари хонадонига бориб, унинг турмуш шароити, яшаш тарзи, болалар тарбияси билан яқиндан танишдилар.

Мулоқот маҳалла фуқаролар йиғини биносида давом этди. Бир пиёла чой устида дилдан гаплашдилар. Ёшларни тўғри йўлдан оғдирувчиларнинг мақсади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, меҳнат инсонни улуғлаши хусусида суҳбат бўлди. Йигит ёмонлар таъсирига берилиб, кўпдан ажраб қолаёзганини, энди кўзи очилганини, бундан буён ҳалол меҳнат қилиб, ўзини оқлашини айтди.

Маҳалла аҳли уни ўз бағрига олди. У шаҳар юқумли касалликларга қарши кураш станциясига ишга жойлаштирилди. Ишбилармонликка қизиқиб, кўп ўтмай у суратхона очди.

Дарвоқе, Қорасув шаҳар ҳокимлигининг бу борадаги саъй-ҳаракати фаоллашмоқда. Яқинда ҳокимлик ёшлар тарбиясига даҳлдор ташкилотлар вакиллари билан маслаҳат кенгаши ўтказди. Унда маънавият ва маърифат маркази, халқ таълими бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар. Йиғинда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёш оилалар ижтимоий ҳимояси масалалари кўрилди. Ёш авлодни етук, зукко, жисмонан чиниққан инсонлар этиб вояга етказишга мўлжалланган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Шу куни шаҳар ҳокими ёшлар етакчилари билан жиддий суҳбатда бўлди.

Ҳоким билан ёшлар хона деворига осилган шаҳар харитаси қаршисида бир муддат мунозара ҳам қилдилар. Шаҳар ҳокимлиги бўлими бошлиғи Ғофуржон Ражабов жорий йилда Қорасувда 400 га яқин ишчи ўрни яратилиши учун қандай имкониятлар борлиги ҳақида ахборот берди.

Яна бир янгилик. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида «Ёшлар маркази» ташкил этиш юзасидан тайёргарлик ишлари жадал бормоқда. Марказ ҳокимлик қарори билан «юбилей иншооти» деб эълон қилиниб, уни мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида ишга тушириш режалаштирилган. 3 та теннис корти, чўмилиш ҳавзаси, ўйингоҳ қурилиши лойиҳалаштирилган. Марказ ҳузурида адвокатлар, меҳнат ва бандлик хизмати, тиббиёт, спорт мутахассисларидан иборат маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатади. Уларда никоҳдан ўтаётган йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилади, ота-онанинг бурчи ва масъулияти ҳақида ҳуқуқий маслаҳатлар берилади. Янги иш ўринлари яратилишига доир кўргазма, ахборотлар, спорт мусобақалари, фестиваллар ташкил этилади.

— Вояга етаётган авлод тарбияси ғоят масъулиятли вазифа, - дейди шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Расулжон Ғуломов. - Ўсмир мисоли ёш новда, қаёққа эгсангиз букилаверади. Шаҳар буюм бозорида ноқонуний йўл билан сав-до-сотиқ қилаётган бир ўсмир нозирларимиз эътиборини тортди. Аниқласак, у 3-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси К.Б. экан. Шу куниёқ ички ишлар бўлимига ўқувчининг ота-онаси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича участка нозири, синф раҳбари таклиф этилди. Ўқувчининг тарбиясига жамоатчиликнинг таъсири катта бўлди. Бола эртасигаёқ мактабга қайтди. Ҳозир ўсмир энг интизомли ўқувчилардан. Ҳатто мактабда ўтказилган «Сен Конституциямизни биласанми?» савол-жавобида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят мусобақасига йўлланма олди.

Дарҳақиқат, шаҳардаги прокуратура, ички ишлар, адлия идоралари ходимлари юртда осойишталикни асраш, қонунбузарликларга йўл қўймаслик борасида аҳоли ўртасида муайян режали ишларни амалга оширмоқдалар. Шу ўринда бир мисол. «Ан-нур» масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамиятида 400 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Жамоа аъзоларининг асосий қисми оила қуриш арафасидаги ёшлардир. Ҳуқуқшунослар улар орасида тез-тез бўлиб «Ватан битта — Ватан ягона», «Оила Кодекси», «Фуқаролик Кодекси», ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояси мавзуларида савол-жавоб ўтказадилар. Касб-ҳунар лицейида бўлиб ўтган мунозарада эса меъёрий ҳужжатлар, иш берувчи ва ишловчининг мажбуриятлари хусусида сўз борди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ.

«АЭРОФЛОТ» САМОЛЁТЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА

Яқинда Тошкент аэропортига «Аэрофлот-Россия авиайўналишлари» авиакомпаниясининг ТУ-154М самолёти келиб қўнди. Москва-Тошкент-Москва йўналиши бўйича мунтазам парвозлар йўлга қўйилди.

Ушбу SU-809/810 йўналиши ҳафтада уч марта амалга оширилади, деб маълум қилди «Аэрофлот» компанияси даромадларни бошқариш департаменти директорининг ўринбосари Александр Коваленко. — Йўналишда замонавий ускуналар билан жиҳозланган ТУ-154М самолётлари хизмат қилади. «Аэрофлот» келгуси режасида замонавий Боинг-734 ва А-310 самолётларидан фойдаланишни мўлжаллаяпти.

А.Коваленконинг айтишича, 2000 йилнинг ноябр ойида «Аэрофлот» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ўртасида код-Шеринг (шерикликда) бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланганди.

— Биз Ўзбекистон авиабозорини анча салмоқли деб биламиз, деди МДҲ, Шарқий Европа ва Болтиқ бўйи мамлакатлари минтақавий бўлими бошлиғи Николай Иваненко, — Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари анча кенг ва авиа йўналишлар тармоғи кучли ривожлангани боис ҳам ушбу йўналишни очишга қарор қилинди.

«Туркистон-пресс»

Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?

Шартнома аввало ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, ички меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишловчилар ҳак-ҳуқуқини қонун доирасида ҳимояланишини кўзда тутади. Навоий вилояти касаба уюшмалари кенгаши жойларда жамоа шартномалари шартларининг бажарилишига эришиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошираяпти.

Бахтга қарши бу борада ютуқлар билан бирга баъзи хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилмаслик муайян ҳолларда ишчининг ўз айби билан ишдан бўшатилишига сабаб бўлаётир. Мисолларга эътиборни қаратайлик. «Навоийазот» вилоятдаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида бу ерда 1038 киши ишга қабул қилинган бўлса, 995 киши ишдан кетган. Шундан 678 нафари ўз аризасига асосан маъмурият билан меҳнат шартномасини бекор қилган, қолганлари эса меҳнат қонунларини бузганликлари учун ишдан четлаштирилган. Шунингдек, «Электркимё» заводида 29 нафар, Навоий давлат иссиқлик станцияси корхонасида 186 нафар, электр тармоқлари идорасида 34 нафар, вилоят нефт маҳсулотлари корхонасида 38 нафар кишининг ички меҳнат қоидаларини бузганлиги улар билан маъмурият ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш қақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар за хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда шартномаларда кўзда тутилган меҳнат кодексининг 161-моддаси талаблари маъмуриятлар айби билан бузилган.

НОҚОНУНИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАН...

Айрим корхоналарда эса меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиннинг олдини олиш қоидаларига риоя қилинмаган. Оқибатда электр кимё заводида меҳнатни муҳофаза қилишда қонуннинг 17-моддаси талаблари бажарилмагани учун 3 та, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1 та ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлган. «Навоийазот» ишлаб чиқариш корхонасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан 7 нафар муҳандис-техник ходим, 11 нафар ишчи жаримага тортилди.

Баъзан маъмуриятлар томонидан ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда қонунни бузиш ҳолатлари давом этиб келаяпти. Жумладан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш корхонасида сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлаган Фарҳод Ҳасановга нисбатан қонунга зид равишда синов муддати қўлланилган. Электр кимё корхонасида эса 6-тоифали ишчи М.Лабковскийнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилган. Шу корхона ишчиларидан Ж.Ҳошимов, Т. Отамуродов, А.Яшаковлар маъмурият томонидан чиқарилган 249-К сонли буйруққа асосан Меҳнат қонунлари кодексининг 102-банди 4-қисмига хилоф ҳолда ишдан бўшатилганлар.

Баъзан жамоа шартномалари тузишда давр талабларини ҳисобга олмаслик, кўр-кўрона ёндошиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Вилоят нефт маҳсулотлари корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 2000 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси 1998 йилги жамоа шартномасидан кўчириб қўя қолинган. Корхона касаба уюшмаси ҳисоб рақамига шаҳар ва туман бўлинмаларидан тушган 1 миллион сўмдан ошиқ маблағ ҳаракатсиз ётган.

Қонунни билган қоқилмайди. Демак, ҳали меҳнат жамоаларида раҳбару мутахассислар, ишчи хизматчилар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кўп иш қилиш лозимлигини юқорида қайд этилган мисоллар яққол кўрсатиб турибди.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

ЯНГИ ДАВОЛАШ ТАШҲИС МАРКАЗИ

Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Оналар ва болалар йили муносабати билан кенг кўламли тадбирларни амалга оширяпти. Хусусан, яқинда «Қашқадарё соҳили» санаторийсида замонавий даволаш ташҳис маркази фойдаланишга топширилди.

- Бу халқимизга мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган йилда яна бир муносиб совғадир, - деди Федерация Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгирова марказни очишга бағишланган маросимда. - Шу пайтгача сиҳатгоҳда 24 хил муолажа усулидан фойдаланиб келинган бўлса, энди унинг сони 40 дан ошди. Фоят нодир саналган 12 каналли ЭХО электрокардиограф аппарати ёрдамида юрак қон томир хасталигига чалинганларга аниқ ташҳис қўйиш имконияти яратилди. Шунингдек, беморлар лингофон орқали ўз асабларини мустаҳкамлайдилар. Жанубий Кореядан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар ҳозирча вилоятда ягонадир.

Икки қаватли марказ биноси архитектуранинг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилган. Анвойи гуллар билан ўралган, фавворалар файз бахш этиб турган маскан чиндан ҳам ҳузурбахш. Санаторий маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларини намунали ташкил этди. Беш мингдан ортиқ мевали, манзарали дарахт, гул кўчатлари ўтказилди. Кўпчилик эътиборини тортаётган марказ қурилишини амалга оширишда Косондаги 232-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: янги фойдаланишга топширилган даволаш ташҳис марказидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Таҳририятимизга меҳнат қонунларининг судларда қўлланилиши билан боғлиқ бир қанча саволлар келган. Шу боис уларни умумлаштирган ҳолда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси Ҳабибулло ЖУЗБАНОВга мурожаат қилдик.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

САВОЛ: МКнинг 100-моддаси 5-қисмида ходимни вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди, дейилган. Агар ходим ҳақиқатда касаллик варақасида бўлса-ю, лекин ишга бир-икки соатга келиб, ҳужжатларга имзо чекиб кетаётган бўлса, бу ҳолатга қандай баҳо берилади. Ходим меҳнатга қобилиятли деб топиладими ёки касаллик варақаси режимини бузаётган деб баҳоланадими?

ЖАВОБ: ходим касаллик варақасида бўлиб, иш тақазосига кўра вақтинча келиб ишини бажариб кетиши меҳнатга лаёқатли деб топиш учун асос бўла олмайди. Шунингдек, касаллик варақаси режимини бузган деб ҳам ҳисобланмайди.

САВОЛ: МКнинг 102-моддасига биноан иш берувчининг ташаббуси билан ходимни ишдан бўшатишдан аввал уни маълум муддатларда ёзма равишда огоҳлантириши керак. Агар иш берувчи қонуннинг шу талабини бажармаган бўлса қонунни бузиш ва ўз навбатида ходимнинг меҳнат ҳуқуқини поймол қилиш деб тан олинадими?

ЖАВОБ: ходимни ишдан бўшатишда уни Қонунда (МКнинг 102-моддасида) белгиланган муддатларда ёзма огоҳлантирилиши шарт, бу талабга риоя этмаслик қонунни бузган деб тан олинадими?

САВОЛ: МК 182-моддасида интизомий жазо қўллаш учун шу жумладан ходимни 100-модданинг 2-3-4-бандлари бўйича ишдан бўшатиш учун ходимнинг (муайян) ножўя хатти-ҳаракати аниқлангандан бошлаб 1 ой ичида ишдан бўшатишга йўл қўйилади дейилган. Агар ходим аттестация натижасига кўра вазифасига нолойиқ деб топилган бўлиб, шу кундан кейин олти ой ўтиб кетгандан сўнг ҳам уни шу асосга кўра ишдан бўшатишга йўл қўйиладими?

ЖАВОБ: агар ходим аттестация натижасига кўра вазифасига нолойиқ деб топилган бўлса, олти ой ўтгандан кейин ҳам уни шу асос билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади. Меҳнат интизомини бузганлик учун (МКнинг 100-модда 3-4-бандлари) меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан бекор қилишга шунинг билан бир қаторда интизомий жазоларни қўллашга тегишли қонунларда (МКнинг 182-моддаси) белгиланган муддатлар ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

САВОЛ: МКнинг 270-моддасида ходим ишга тикланиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиши учун унга Меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб 1 ойлик муддат белгиланган. Агар ходимга у касаллик варақасида юрган даврида ким томонидандир, (фақат иш берувчи томонидан эмас) унга ишдан бўшатилганлиги ҳақида айтилган бўлса, юқорида айтилган 1 ойлик муҳлат шу кундан бошлаб ҳисобланиши керакми ёки у ҳақиқатда буйруқ нусхасини олган кундан бошлаб ҳисобланадими?

ЖАВОБ: ишга тиклаш бўйича низолар юзасидан судга мурожаат этиш муддати ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар ходим буйруқ нусхасини олишдан бош тортса (касаллик варақаси давридан сўнг) бу ҳақда тузилган далолатномада белгиланган санадан бошланади.

САВОЛ: МКнинг 107-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйрукда, мазкур Кодекснинг тегишли моддалари ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмунига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб МКнинг ёҳуд бошқа меъёрий ҳужжатнинг тегишли далил қилиб кўрсатилиши кераклиги айтилган. Агар ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйрукда шунга амал қилинмаган бўлса, уни у ёки бу модда билан бўшатилган деб баҳо бериш суднинг ваколатига кирадими?

ЖАВОБ: агар ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқда, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, МКнинг тегишли моддалари кўрсатилмаган бўлса, иш берувчидан ишдан бўшатиш асослари ҳақида қўшимча маълумот талаб қилиб олинади. Ходим мазкур буйруқнинг мазмун-моҳиятидан норози бўлса, ушбу низо суд мажлисида кўрилади. Аниқланган ҳолатга кўра суд ходимни ишдан бўшатиш асосларини ва буйруқ мазмунини ўзгартиришга ҳақли.

САВОЛ: Олий суднинг 1998 йил 17 апрелдаги пленум қарорида айтилишича ходим эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бўлиши топширилган ишини уддалай олмаётганлигини гувоҳлантирувчи аниқ далиллар билан тасдиқланиши лозим дейилган. Агар ходимга нисбатан шундай асосли ҳужжатлар бўлмаса-ю, гувоҳлар уни вазифасига нолойиқлигини оғзаки тарзда кўрсатсалар, ходимни вазифасига нолойиқ деб ишдан бўшатишга йўл қўйиладими?

ЖАВОБ: ходимнинг ўз вазифасига нолойиқлиги фақат тегишли ваколатли аттестация хулосасига асосан аниқланади.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Бу йил мамлакатимизнинг барча вилоятларида Конрад Аденауэр жамғармаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Омбудсман/, Ўзбекистон сиёсий партиялари ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази томонидан «Парламентни ислоҳ этиш - Ўзбекистонда демократияни янада юксалтиришнинг янги босқичи» мавзуида семинарлар туркумини ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбир Сурхондарё вилоятидан кейин иккинчи бўлиб Бухорода ўтказилди. Унда сиёсий партияларнинг вилоятдаги кенгаши аъзолари, маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Парламент ислоҳоти, унинг таркиби ва фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш тўғрисида республика Президенти Ислом Каримов олға сурган фикрларни ҳаётга татбиқ этиш мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Семинарда «Парламент ислоҳотининг сиёсий жиҳатлари, халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар», «Ўзбекистонда парламент ислоҳотининг асосий босқичлари ва йўналишлари», «Икки палатали парламент шароитида партиялар ва улар фракцияларининг ўзаро иш олиб бориш принциплари», «Омбудсман ва унинг фаолияти ҳақидаги қонунларни Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти шароитида такомиллаштириш муаммолари», «Сиёсий партиялар ва улар фракцияларининг Ўзбекистон парламентидаги фаолиятларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

122-КОНВЕНЦИЯ

Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги 1964 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Конвенция иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ишчи кучига бўлган талабни қондириш ва ишсизликни ҳамда тўлиқ бўлмаган бандликни бартараф этиш мақсадида фаол сиёсатни олиб боришни бош мақсад сифатида эълон қилишга ва амалга оширишга қаратилгандир.

Бундай сиёсат ишлашга тайёр ва иш излаётган барча шахслар учун иш мавжудлигини, бундай иш мумкин қадар маҳсулдор бўлишини, бандликни танлаш эркинлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши керак. Ҳар бир меҳнатчида ўзи яроқли бўлган ишни бажариш учун зарур малакага эга бўлиш, бандликнинг ўзи танлаган турида ўз малакаси ва қобилиятларини камситишсиз ишлата олиш учун кенг имкониятлар бўлиши лозим.

Иш билан таъминлаш сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш босқичи ва даражасини ҳамда иш билан таъминлаш сиёсати мақсадлари ва бошқа иқтисодий ва сиёсий мақсадларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олиши керак. Бу сиёсат миллий шароитлар ва амалиётга мутаносиб усуллар ёрдамида амалга оширилиши лозим. Эълон қилинган мақсадларга эришиш учун кўриладиган чора-тадбирлар белгилаб олиниши ва улар мувофиқлаштирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат негизида вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши керак.

Ушбу Конвенция қўлланилганда кўзда тутилаётган чора-тадбирлардан манфаатдор доиралар вакиллари, хусусан, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар вакиллари маслаҳатлашувларга жалб қилинади.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига биноан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланиши белгилаб қўйилган:

— меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

— кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

— меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

— иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

— иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

— аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

— аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Ички ишлар вазирлигининг Тошкентдаги олий мактабида ёнғинга қарши курашувчи юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Табиийки ҳар бир талаба жисмонан бақувват, кутилмаган вазиятларда чапдастлик билан ҳаракат қилувчи, жасур инсон бўлиши керак. Эътиборлиси шуки, мазкур даргоҳда бўлажак мутахассисларни психологик жиҳатдан тайёрлаш курси ҳам ўтилмоқда. Талабалар ўқув машғулотларида нимага қодир эканликларини намойиш қилиб борадилар.

Суратда: талабалар компьютердан фойдаланиш синфида.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

САВОЛ: *илмий мудир ва ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида тўлиқ ставкада ишлаган шахслар 25 йиллик имтиёзли стаж ҳуқуқидан фойдаланиш учун дарс соатларининг аҳамияти борми? Ҳафталик дарс бериш соати 1 ставкадан кам бўлса ҳам имтиёзли стаж ҳисобланадими?*

Б.ПАРДАБОЕВ,
Тошкент вилояти,
Қуйи Чирчиқ тумани.

ЖАВОБ: илмий мудир ва ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида тўлиқ ставкада, шунингдек, ҳафтасига ўқувчиларга олти соатдан кам бўлмаган дарс берган ҳолда ишлаган шахслар 25 йиллик имтиёзли стаждан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар. Чунки уларнинг асосий иш тури ва лавозими илмий мудирлик ёки директор ўринбосари ҳисобланади. Педагог ходимларга имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи тўлиқ иш куни мобайнида бевосита болалар билан шуғулланувчи педагогларга берилади. Мактаб директорлари, халқ таълимининг бошқарув шўъбаларидаги мутахассис ва раҳбарлар тўлиқ бир ставкада 25 йил давомида ўқитувчилик қилган бўлсалар, улар ҳам имтиёзли равишда педагог сифатида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Бироқ ҳали йигирма беш йиллик тўлиқ ўқитувчилик стажига эга бўлмаган ҳолда ушбу лавозимларда ишлаб туриб бир пайтнинг ўзида ўқитувчилик қилаётган педагогнинг ҳафталик соати 1 ставкадан кам бўлса, имтиёзли стажга кирмайди.

«ВАТАНПАРВАР» — ЮРТ ПОСБОНЛАРИ МАКТАБИ

«Ватанпарвар» Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи мустақил ташкилотдир. Унинг асосий вазифаси кенг халқ оммасини, айниқса, ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдан иборат. Ташкилотнинг шаҳар, туман бўлимлари, ўқув-спорт муассасалари жойларда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. «Туркистон-пресс» мухбири олиб борилаётган ишлар юзасидан «Ватанпарвар»нинг ташкилий-оммавий ишлар бўлими бошлиғи Қаҳрамон Собировга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Ташкилотнинг ҳозирги фаолиятида қандай йўналишлар асосий ўринда туради?

— Асосий эътиборимиз олдимизга қўйилган вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилган. Шу ўринда ташкилотимиз тарихи хусусида бир-икки оғиз тўхталсам. Унинг фаолияти ўтган асрнинг 20-йиллари охирида бошланган. 1951 йилда унинг негизида армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият — Ўзбекистон ДОСААФи тузилди.

Ўзбекистон мустақиллиққа эришгач, республика ДОСААФининг 1991 йил 23 ноябрда бўлиб ўтган VII навбатдан ташқари Қурултойида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ташкилотимиз тизимидаги 4 та бирлашган техника мактаби, 28 та автомобил курси, битта радиотехника билим даргоҳида ёшлар турли мутахассисликлар бўйича таълим олмоқдалар. Ўқув даргоҳларимизда курсантларга 30 га яқин ҳарбий аҳамиятга эга касблар бўйича амалий билим берилади. Бундан ташқари, иккита авиаклуб базасида ҳаводесант қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари учун мутахассислар тайёрланмоқда. Ташкилотимиз ўз фаолиятида Қуролли Кучлар сафига чақирилувчи ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратяпти. Махсус мактабларда ҳар йили ўн мингга яқин ёш тайёргарликдан ўтади. Бу жиҳатдан республикамизда анъанавий «Ватан ҳимоячилари куни»га бағишлаб ўтказиб келинаётган оммавий-ватанпарварлик ойлиги диққатга сазовордир. Ҳарбий билим юрти курсантлари билан биргаликда, «Мардлар кўриқлайди Ватанни!», «Куч адолатда», «Сафдошингни ҳурмат қил», «Ҳарбий хизматчининг маънавий қиёфаси» мавзуларида суҳбатлар, учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

— «Ватанпарвар» доирасида қатнашувчи спортчилар эришаётган ютуқларга ҳам тўхталсангиз.

— Спортчиларимиз Жаҳон, Европа, Осиё биринчиликлари ва турли мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимиз байроғининг юқори кўтарилишига эришмоқдалар. Андрей Разумовский (кемамоделсозлик спорти), Муҳаббат Кондакова (ёзги биатлон) Жаҳон ва Европа биринчилигидаги ғалабалари шарафига Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради. Андрей 2000 йилда Бельгиянинг Монс шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин, Ш.Исматуллаев кумуш медал билан қайтишди.

Ҳозирги кунгача «Ватанпарвар» тизимидаги ташкилотларда 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 12 нафар Ўзбекистон спорт устаси, 72000 нафар оммавий разрядли спортчилар ва 120 нафар спорт ҳакамлари тайёрланди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 85 та республика ва вилоят мусобақалари ўтказилиб, уларда 3600 дан ортиқ спортчи қатнашмоқда.

«Туркистон-пресс».

ЗУЛФИЯ КУЙЛАГАНДА

Чашма

Ўшанда Зулфияхон тўрт ёшида эди. Онаси Моможон опа, кўчада дугоналари билан қўғирчоқ ўйнаб ўтирган қизчасини чақирди:

— даданг телевизорда қўшиқ айтаяпти, тезроқ келақол!

— Зулфия экранга тикилганича ҳайратда қолди. Кечагина уни эркалаб, сенга Тошкентдан нима олиб келай, қизгинам, — деган дадаси бугун Навоий ғазали билан «Гулизорим» ашуласини маромига етказиб айтарди. Зулфия телевизорнинг орқа томонини айланиб, дадасини тополмади. Лекин ўша кундан бошлаб ёш қизчанинг мурғак қалбида қўшиққа, санъатга ҳавас уйғонди.

Тўлибой Йўлдошев савдо ходими бўлсада, санъатни жон-дилидан севар, айниқса ўзбек мумтоз ашуларига ихлоси баланд эди. Унинг ширали, баланд овози тингловчиларни сеҳрлаб қўярди. Зулфия дадасини илк бора телевизорда кўрган йили у бадиий ҳаваскорларнинг республика «Чашма» телевизион танловида қатнашиб, фахрли ўринлардан бирини эгаллаган эди. Зулфиянинг онаси Моможон Бобожонова ҳам санъаткор. Ўзининг гўзал рақслари билан халқимизни кўп хушнуд қилган. Санъаткорлар оиласида туғилиб ўсганлиги учунми Зулфияда қўшиққа ҳавас эрта уйғонди. Қиздаги овоз имконияти ва иқтидорни сезган Хоразм вилояти Огаҳий номидаги театр раҳбарлари у ўрта мактабни битирган йилиёқ ишга қабул қилишди. У дастлаб Аҳмад Бобожон асари асосида саҳналаштирилган «Ғазал фожеаси» мусиқали драмасида Султоной образини яратди.

Тақдир тақозоси билан у шовотлик йигитга турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи унинг орзуларига қанот бахш этди. Ўзи бош бўлиб уни туман ма-

даният уйи қошидаги «Авазхон» фолклор ансамблига жойлаштириб қўйди. Бу орада она бўлиш бахтига муяссар бўлди. Шу-шу ўн йил саҳна юзини кўрмади. Санъатга ошифта дил, барибир талпинишини қўймади.

Кўп ўтмай Зулфиядаги истеъдод қирралари мумтоз ашулаларда акс этди. Бу бежиз эмас. Зулфияда илк бора санъатга ихлос уйғотган дадасиям асосан ана шу йўлни танлаган эди. 1997 йилда туман маданият уйининг яккахон ашулачиси Зулфия Йўлдошева Комилжон Отаниёзов туғилиб ўсган Шовот туманида ўтказилган 1-Республика танловида учинчи ўринни эгаллади. Бу Зулфиянинг санъатдаги илк ғалабаси эди. 1999 йилдан яна ўзининг қадрдон маскани, Огаҳий номидаги вилоят театрига ўтиб ишлай бошлади. Ўзбекистон халқ хофизи Рўзимат Жуманиёзов ва бастакор Бозорбой Ўринов билан ижодий ҳамкорлик ўз натижасини берди. Ўтган йил унга яна омад кулиб боқди. У Комилжон Отаниёзов қўшиқлари II-Республика танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Танловда устози ижро этган «Айрилмасин», Огаҳий ғазали билан айтиладиган «Феруз», А.Навоий ғазалига басталанган «Сегоҳ» каби қўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этди.

Хоразм вилоят ҳокимлиги «Нурли наволар» деб аталган Хоразм мақомлари ижроси бўйича кўрик-танлов эълон қилган эди. Танлов март ойининг охирида якунланди. Фахрли биринчи ўрин Огаҳий номли вилоят театрининг актёри, мумтоз ашулалар ижрочиси Зулфия Йўлдошевага насиб этди. Унга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва 150 минг сўм пул мукофоти ҳам берилди.

Зулфия Йўлдошева мумтоз эстрада жанрида ҳам ўзига хос услубга эга. Айни кунларда у «Ўзингсан» деб ном олган янги аудиокасета (альбоми)нинг тақдимотига ҳозирлик кўрмоқда.

Айни пайтда «Авесто» асари асосида драматург Комил Аваз томонидан саҳналаштирилган «Меҳр фарзанди» спектаклида Зардуштнинг онаси роли устида қунт билан иш олиб бормоқда.

— Бу тарихий воқеа — «Авесто»нинг 2700 йиллиги тантаналарига менинг камтарона туҳфам бўлди, — дейди санъаткор фахрга тўлиб.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Термиз шаҳридаги ҳайвонот боғи 1939 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда боғда 100 турдаги жонзотлар сақланмоқда.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланиши муносабати билан бу ерда ҳам қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бир қанча бинолар янгидан сайқал топди. Шунингдек, дам олувчилар учун шинам майдончалар ва болалар ўйингоҳлари қуриб битказилди.

Бу хайрли иш «Ўздеҳқонқурилиш» трестига қарашли 554-кўчма механизациялашган жамланма жамоаси томонидан амалга оширилмоқда. 12 турдаги жониворлар келтирилди.

Суратларда: Осиё жайрони; ҳайвонот боғи ветврачи Хўжамберди Норматов ишчи Норхол Отаева янги келтирилган «меҳмон»ни кўздан кечиришмоқда.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Киночилар уйида Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан хаваскор ўқувчилар ўртасида кино-фото фестивали ўтказилди.

ТАСВИРДАГИ ҲАЯЖОН

— Томошабин ҳаяжонга соладиган асарга ҳамиша ташна, - деди таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кино ва фото қудратидан тўғри фойдаланилса муаллиф қайси ёшда бўлмасин катта натижага эришиши мумкин. Бугунги фестивалда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар иштирок этмоқда. Уларнинг «Мустақил Ўзбекистон», «Маънавият ва маърифат», «Мактаб ва мактабдан ташқари ҳаёт», «Табиат манзараси» сингари ўнлаб эркин мавзудаги кинофилм ва фотосуратлари тест танловига қўйилган.

Фестивалда энг яхши филм ва фото йўналиши бўйича самарқандликлар биринчи ўринга сазовор бўлишди ва Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Кино бўйича иккинчи ўрин бухороликларга, учинчи ўрин наманганликларга насиб этган бўлса, фотосуратлар танловида хоразмликлар иккинчи, бухороликлар эса учинчи бўлишди. Ҳайъат раиси Борис Лебедев ёшларни фестивалга юқори савияда тайёрлаганликлари учун мураббийларни медаллар билан сийлади. Фестивал якунида ҳомийлар томонидан ёш ижодкорларга қиймат-баҳо совғалар улашилди.

Ўқинг, қизиқ!

ЗИЛЗИЛАЛАР ЮРТИ

Японияни зилзилалар юрти деб ҳам айтишади. Нима учун дейсизми? Сабаби, бу мамлакатда йилига ўрта ҳисобда 600 марта ер силкиниши қайд этилади.

ГИМН КУЙЛОВЧИ БОЛАКАЙ

Ҳамма ҳам ўз мамлакати гимнини ёддан айтиб беролмаслиги мумкин. Цюрих шаҳрида яшовчи Майкл Заузер эса нафақат ўз мамлакати, балки кўплаб юртларнинг гимнини бемалол ижро этади. У 75 тилда 188 композицияни куйлайди. Энг қисқа гимн 21 секунд, энг узун гимн эса 4 минут куйланади.

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ.

Футбол

ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Сўзимиз бошида муштарийларимиздан аввал турнир жадвалига бир бор назар ташлашларини илтимос қилардик. «Нефтчи», «Насаф», «Пахтакор», «Дўстлик»... То ўнинчи поғонагача ўқиб чиқинг-а! Баракалла, сизнинг хаёлингиздан ўтган фикр бизни ҳам четлаб ўтмади. Айнан шу жамоалар бугунги Ўзбекистон футболининг юзи, десак янглишмаган бўламиз.

Биз бир неча йиллардан бери мутахассислар ҳукмига ҳавола этиб келаётган таклиф-мулоҳазалар ҳам худди шу нуқтаи назар ифодаси эди. Оз бўлсину соз бўлсин, дейди халқимиз. Зотан мухлислар голлар шодасини кўриб, бармоқ букиш учунгина стадионга тушишмайди, уларни кўпроқ майдонда кечаётган ўйин савияси — бирибиридан гўзал комбинациялар, юксак техник ижро, тактик топағонлик мафтун этади. Бугун биз томоша қилаётган футболда эса, афсуски, статистика кўпроқ. 7:2, 5:0, 5:1, 5:2...

Агар бу тўпурарлар маҳорати ва чапдастлиги билан изоҳланса-ку, ғалаба қозонган у ёки бу команда мухлисларига қайишиб қўя қолар эдик. Лекин амалда ундай эмасда! Гоҳ дарвозабон, гоҳ ҳимоя чизиғида ҳаракат қилаётган ўйинчиларнинг кўпол хатолари оқибатида, таъбир жоиз бўлса, кутилмаганда тиниқ осмонда момақалдироқ гулдираб, ёмғир ёққан каби таассурот қолдирмоқда улар. Ўзини тутиб олган жамоалар ўртасида кечаётган ўинларда ҳам шундай ҳолат кўзга ташланаётгани, айниқса, ачинарли. «Дўстлик»-«Навбаҳор» учрашуви бунга ёрқин мисол. Наманганликлар бош мураббийи дарвозабон алмаштириб ҳам аҳволни ўнглай олмади, натижада мамлакатимизнинг обрўли командаларидан бири йирик ҳисобда мағлубиятга учраб, бирданига тўрт поғона қуйига шўнғиб кетди.

Фақат «Нефтчи»гина ўзининг ғолибона юришини давом эттирмоқда. Фарғоналиклар бу гал Жиззахда маҳаллий «Сўғдиёна» устидан 2:1 ҳисобида устун келдилар. Умидли жамоа — «Насаф» аввалги турдаги қоқилишдан сўнг ўзини ўнглаб олганини қутлаш керак, албатта. Баҳром Ҳакимов шогирдлари Навоийда «Зарафшон» клубининг қаршилигини енгиб, 3:1 ҳисобида ишонарли зафар қучдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Динамо» - «Андижон» — 3:1, «Кимёгар» — «Семурғ» — 2:0, «Турон» — «Сурхон» — 1:2, «Трактор» — «Қизилқум» — 1:0, «Академия» — «Бухоро» — 3:2.

Эътибор қилган бўлсангиз, турнир жадвали катакларида қизиқ бир ҳолат кўзга ташланади. Карвонбошиликни қўлга олган «Нефтчи» командасигина ҳали мағлубият аламини татиб кўрмаган бўлса, энг охирги ўринда бораётган Ангреннинг «Семурғ» жамоаси бирор марта ютуққа эришгани йўқ. Юқорида таъкидлаб ўтганимиз фикрларнинг яққол исботи шу эмасмикан?

Лекин юракка бир нарса таскин беради. Мавсум энди бошланди. Бўсағада жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари. У футболимизни яна бир поғона кўтарса ҳеч ажаб эмас. Маҳорат эса, маълумки, қизғин баҳслар чоғида юз очади. Зеро, эртанги кундан умидимиз катта.

З.РИХСИЕВ.

Олтинчи турдан кейинги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	6	5	1	0	19-5	16
2.«Насаф	6	5	0	1	12-3	15
3.«Пахтакор»	5	4	0	1	14-4	12
4.«Дўстлик»	6	4	0	2	14-8	12
5.«Трактор»	6	4	0	2	11-8	12
6.«Академия»	6	3	1	2	11-9	10
7.«Бухоро»	6	3	0	3	11-8	9
8.«Навбаҳор»	5	3	0	2	9-7	9
9. «Қизилқум»	6	3	0	3	3-5	9
10.«Самарқанд-Д»	5	3	0	2	10-11	9
11.«Зарафшон»	6	2	1	3	11-9	7
12.«Сурхон»	6	2	0	4	9-14	6
13.«Кимёгар»	6	2	0	4	6-12	6
14.«Турон»	6	2	0	4	4-11	6
15.«Металлург»	5	1	1	3	5-11	4
16.«Андижон»	6	1	1	4	5-13	4
17.«Сўғдиёна»	5	1	0	4	3-10	3
18.«Семурғ»	5	0	1	4	1-9	1

С. ЗОИРОВ олган сурат.

«ЗИЁ» ХОРАЗМГА БОРАДИ

Бухорода Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқ байрами вилоят босқичи якунланди. Танлов хайъати Бухоро педагогика техникумининг «Зиё» ашула ва рақс дастасини ғолиб деб топди.

Ёш истеъдод соҳиблари шоир Тошпўлат Аҳмад шеъри ва бастакор Ўлмас Расулов мусиқаси асосида яратилган «Шукрона» вокал-хореографик сюитасини маҳорат билан ижро этиб, биринчи даражали дипломга сазовор бўлди. Жамоа, шунингдек, Хоразмда бўладиган республика танловида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Бу дунёнинг ишлари

ШИШАДАГИ ДАСТХАТ

— Қани уста, тушликка! Бир отамлашайлик.

— Оббо-о, Камолжон-е! Озгинагина ишласам дегандим, қўймадингиз-қўймадингиз-да.

— Ота-боболаримиздан қолган иш борми? Битади. Битмаса, албатта битказамиз. — Шундай дея Камол ошхона томон овоз берди — Шаҳноза, Шаҳло! Дастурхон ёзинглар.

Лекин бугун газетага ўроғли бир нарса дастурхон чеккасига думалаб ётарди.

— Бу нима, Камолжон?

- Нима бўларди, бу дунёнинг шарбатида.

Тамаддидан кейин бошлар манқалдек қизиди. Камол уста Нурмуҳаммадга гап қотди:

— ака, бу саблдан кейин ижод келади, дейишади. Шу десангиз, мен ҳам иморат харажатларини ёзиб қўйганман. Ўшани мана шу шишага жойлаб полнинг тагига қолдирсак-чи?

Уста жилмайиб индамади. Камол дастхат битди. Дастхатда қачон ер берилгани, пойдевор ташлаган саналарни киритди. Ва дастхат сўнгида:

«6.IX.1994 йил. Соат ўн биру ўттиз минут. Уста Нурмуҳаммад, шунингдек, Акром, Камол, Сайёра, Шаҳноза, Шаҳло, Ойдинлар бўлган» деб ёзиб, шишага жойлади. Шишани полнинг остига қўйиб, устига тахта терди-да, қоқиб ташлади...

Орадан икки йил ўтиб жудолик юз берди. Камол севимли маликасию, қизалоқлари Шаҳноза, Шаҳло, Ойдинлар билан абадул-абад видолашиб, ёруғ дунёни тарк этди. Волидаи муҳтарамаси марсия битиб ҳовлини тўлдириб йиғлади.

Шу сокин ҳаводан нафас олаётган, яшил нурга кўмилган дов-дарахт япроқлари, лолалар, гуллар бош эгиб, аза тутишди.

Орадан ҳеч вақт ўтмай қайнона-қайнота келин ўртасида ҳовли-жой можароси бошланди. Ўша оқшом тонготар чоғи Сайёра ғалати туш кўрибди. Тушида эри Камол қоп қора кийимда. Ҳовлига кирмасмиш. Ота-онасидан сўрармиш.

«— Наҳотки гўримда тинч ухлагани қўймайсизлар? Сайёрада нима гуноҳ? Шу етимчаларнинг ҳақига хиёнат қиладиган бўлдиларингми? Наҳотки йилим ўтмай... Мендан нима истайсизлар, ўзи? Беш кунлик дунёнгизда мана бу ҳайҳотдек ҳовли торлик қилиб қолдими?..

Сайёра чўчиб уйғониб кетди. Соатга қаради, тўрт. Қизалоқларига нигоҳ солди. Ширинтойлар бир-бирларининг пинжига кириб олишган. Сайёра онасининг болаларни бирга ухлатмоқ керак. Бўлмаса, улардан меҳр-оқибат бўлинади, деган ўгитини эслади.

Шу топ қизи Шаҳноза тўсатдан алаҳсираб уйғонди. Сайёра қизига талпинди.

— Нима бўлди сенга, Шаҳноза?!

— Агар дадам ҳаёт бўлганларида бизни ҳеч ким хўрламасди, - дея бирдан кўзларига ёш олди қизи. — Тушимда бобом-бувим уйимиздан бутунлай қувиб чиқарди.

Бобонг-бувинглар яхши одамлар. Ахир ҳаётда нималар бўлмайди. Ҳаммаси ўтиб кетади.

— Яхши одамлар ўз жигарларини хўрлашадими?

Туман суди шиша идишдаги дастхат туфайли ҳовли-жойга Сайёра ва унинг фарзандлари ҳуқуқий тартибда дахлдорлиги тўғрисида қонуний тўхтамга келди.

Аммо бизни бир нарса ҳайратга солади. Аксари ота-оналаримиз бисотларини болачақаларига бўлиштириб, ўзларига бир хона уй қолдирган ҳолда қолган умрларини бола-чақа дуоси билан ўтказишади. Албатта дунё ширин, ундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин инсоний меҳр-муҳаббат, иймон, деган юксак туйғулар ҳам бор-ку!

Кишини қариганида кўпроқ эзгу ишлари суяйди, яшашга иштиёқ уйғотади. Умрни йиллар эмас, хотиралар узайтиришини афсуски, ҳамма ҳам англаб етмайди.

Турсунбой МАҲМАДАЛИЕВ.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси «Файз» Ҳиссадорлик Жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Холида Муҳамедовага синглиси

Гавҳар МУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6